

ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-ommabop  jurnal

2016
1

январь

ISSN 2091-554-3

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида шундай сўзлар бор: “Кириб келаётган йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, янги – 2016 йил кўпгина кўрсаткичлар бўйича якунига етаётган 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, балки кўп соҳаларда ундан анча юқори ва зиёда бўлиши мўлжалланмоқда.

2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.”

Демак, янги йилда Ватанимизнинг қудрати янада ошиб, истиқболи порлоқ бўлгай. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин! Ва яна Янги йил айёми қатори 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни барчамизга муборак бўлсин!

3-бет

Қонунни

ўқинг

13-бет

Коллеж:

ўқувчи билимдон

бўлсин

19-бет

Паразитларга

қарши дорилар

28-бет

Қишлов –

чорвадорга синов

35-бет

Наслчилик –

юқори

махсулдорлик

демак

38-бет

Тутзорларни

совуқ

урса...

41-бет

Полвонларинг

кўпайсин, юртим



Таҳрир ҳайъати раиси

Б. Сайиткулов – в.ф.н.

Таҳрир ҳайъати:

Ш. Акмалхонов – академик
Ж. Азимов – академик
С. Азимов – профессор
Р. Давлатов – профессор
Н. Йўлдошев – в.ф.н.
И. Маматкулов – профессор
У. Носиров – профессор
Қ.Норбоев – профессор
Б. Норқобилов – ДВББ
А. Орипов – профессор
Х. Салимов – профессор
Б. Салимов – профессор
Х. Сапаров – т.ф.н.
Ш. Умаров – қ.х.ф.д.
Н. Бобокулов – профессор
С. Юсупов – профессор
А. Қахаров – профессор
И.Хушвактов – қ.х.ф.н.
Д.Ёрматова – профессор
Ш.Жабборов – в.ф.н.
Д.Абдураимов – ЧМИЧУ
Х.Ниёзов – в.ф.н.

Бош муҳаррир

Муҳаррир (ўзбек тили)

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир (рус тили):

Владимир ДУБОВ

Муҳаррир

Мактуба МУМИНОВА

Масъул котиб:

Муаттар ДАДАЖОНОВА

Мусахҳиҳ

Гулсара САИДҚУЛОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлигининг Давлат
ветеринария бош бошқармаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат
ветеринария бош бошқармаси,
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши,
«AGROZOOVETSERVIS» масъулияти
чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2010 йил 31 декабрда
0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон
Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100084, Тошкент
шаҳри. Халқобод 4-тор, 4-уй
Тел.: + (99895) 170-22-35
(0371) 234-77-22

Web-сайт: www.vetjournal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 5000.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 19.01.2016.
Бичими 60x84¹/₂. Офсет усулида чоп
этилди. 6,0 б.т. Буюртма № 93.
Баҳоси келишилган нархда.

© «Zooveterinariya», #01 (98) 2016
«G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa
ijodiy uyi» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., Labzak кўчаси, 86-уй.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Қонунни ўрганинг

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги
Қонуни (янги таҳрири) 3

Парламент ҳаёти

М.Мўминова – Йил сарҳисоби ва истикболдаги режалар 12

Жараён

Ф.Қўчқорова – Ўқинг, уқинг, ўрганинг, амалда қўланг 13

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ

Юқумли касалликлар

Г.Х.Мамадуллаев ва бошқ. – ППД туберкулин диагности-
кумининг махсус фаоллиги 14

М.О. Баратов и др. – Сенсibiliзирующие свойства
коринебактерий к туберкулину 17

Паразитар касалликлар

П.А.Красочко и др. – Эффективность иммуномодуляторов при
паразитарных болезнях животных 19

Акушерлик ва гинекология

Организация работы по акушерству и гинекологии в
животноводстве 21

Фармакология ва токсикология

Н.О.Фармонов ва б. – Эстрадиол бензоатни қўйлар
конининг кўрсаткичларига таъсири 23

Терапия

П.Котляров – Гомеопатия и акупунктура на службе у
ветеринаров 25

ЧОРВАЧИЛИК

Наслчилик

Г.А.Саматов, Ж.М.Розиқов – Озиқ-овқат хавфсизлигини
таъминлашда чорвачилик маҳсулотларининг аҳамияти 27

И. Мақсудов – Қишлоқ – чорвадорга синов 28

Қорақўлчилик

К.Очилов и др. – Взаимосвязь колориметрических и
ЭПР-спектрометрических параметров волос каракульских
ягнят разных окрасок и расцветок 31

Паррандачилик

Р.Х.Хамрокулов ва б. – Таркибида темир ва мис
ультрадисперс биометаллари бўлган рацион асосида
боқилган бройлер жўжаларининг ўсиш жадаллиги 33

Л.К.Рахманов – Успех российских птицеводов и других
отраслей животноводства 35

Озуқа

А.Э.Тангиров – Яйловлардан фойдаланиш ҳолати ва
унинг самарадорлигини ошириш йўллари 36

Пиллачилик

Ч.И.Беккамов ва б. – Совуқ урган тут дарахтлари ва
тутзорлар барг ҳосилини ошириш чора-тадбирлари 38

Зооветмаслаҳат

Б.Жумадуллаев, А.Безверхов – Сигирлар терисини қашлаш ва
укалашда механик усуллардан фойдаланиш 39

Фермерлар ҳаёти

А.Алиқулов – Полвонларинг кўпайсин, юртим 41

Уюшма минбари

Айёмингиз муборак, меҳрибон устоз 43

Бағридарё чорвадор эдилар 44

Устозлик – бокийликка дахлдорлик демак 44

Шоғирдлар қалбида қолган олим 44

Илова

2015 йилнинг асосий мундарижаси 45

УДК:615.591.111:636.3

Н.О. Фармонов, доцент, А.А.Холиқов, доцент,
М.Ф. Мирзанова, магистрантЭСТРАДИОЛ БЕНЗОАТНИ ҚЎЙЛАР ҚОНИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИГА
ТАЪСИРИ

Аннотация

Эстрадиол бензоат препаратини қорақўл қўйларига 5, 10 ва 50 мг/кг дозада юборилгандан сўнг улар қонининг морфологик кўрсаткичларига таъсири аниқланди. Эстрадиол бензоат препарати максимал дозаларда инъекция қилинганда қорақўл қўйлар қонида заҳарловчи токсик таъсири намойён бўлади.

Summary

The combination of drug benzooat karakul sheep, 5, 10 and 50 mg / kg doses, they found blood morphological effect. Benzooat combined with the maximum doses of the drug were given an injection karakul sheep is shown toxic effects of poisons in the blood.

Калит сўзлар: эстрогенлар, бепуштлиқ, эстрадиол бензоат, эритроцитлар, лейкоцитлар, гемоглобинлар микдори, инъекция, доза.

Мавзунинг долзарблиги. Кейинги йилларда чорвачилик ва ветеринария амалиётида кишлоқ хўжалик хайвонлари бепуштлиги, урғочи хайвонлар жинсий тизимининг қатор касалликларини даволаш ва олдини олишда турли фармакологик таъсирга эга бўлган эстроген гормонал препаратлар кириб келмоқда ва қўлланилмоқда.

Ветеринария амалиётида эса эстрогенлар урғочи хайвонлар жинсий органлари касалликлари ва бепуштликларини даволашда, йўлдошнинг ушланиб қолиши ва мумификацияланган хомилани чиқариш, жинсий функцияларни стимуллаштириш, сут ажралишини бошқариш ва шу каби ҳолларда қўлланилиб келинмоқда.

Шунга қарамасдан эстрогенларнинг таъсир механизми ҳақида маълумотлар етарли эмас. Адабиёт ҳамда интернет тармоғидан олинган сўнгги материаллардан кишлоқ хўжалик хайвонлари қон таркибига эстрогенларнинг таъсир этиши тўғрисидаги турли маълумотлар олинди. Жумладан, қоннинг морфологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, Виттен ва Брадбури (1974), Дикес (1996), Сатрвел (2000), Сулаймонов А.С. (2001), Фармонов Н.О. (2009) қон таркибида 4-10 кун давомида эритроцитлар сони ва гемоглобинлар микдорининг камайиши ҳамда аста-секинлик билан дастлабки ҳолига қайтишини таъкидлаб ўтишган. Шунга биноан, дастлабки кунларда қон таркибидаги шаклли элементлар микдорининг меъёрдан ўзгаришини мазкур муаллифлар тажрибалар бошида қоннинг "суюлиши" билан боғлашади.

Шунинг учун илмий ишларимизда эстроген гормонал препаратлар гуруҳига кирувчи эстрадиол бензоат препаратини қўйлар қонининг кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Текшириш мақсади. Эстрогенлар қоннинг морфологик таркибига турли даражада таъсир этиши ҳисобга олиниб, эстрадиол бензоатнинг турли дозаларда қорақўл қўйларининг айрим қон кўрсаткичларига таъсири текширилди. Бунда қондаги эритроцитлар, лейкоцитлар сони ва гемоглобиннинг микдорига таъсир этиш қонуниятлари ўрганилди.

Тадқиқотнинг объекти ва усуллари. Тажрибалар Навоий вилояти Нурота тумани Файзулла Хўжаев наслчилиқ ширкат хўжалигида 2015 йилнинг май-

июнь ойларида 8-10 ойлик 15 бош қорақўл қўйларига ўтказилди. Бунинг учун ҳар бири 5 бош қўздан иборат бўлган 3 гуруҳ ташкил этилиб, 1-тажриба гуруҳидаги қўйларга 5 мг/кг, 2-тажриба гуруҳига 10 мг/кг ва 3 гуруҳдаги қўйларга 50 мг/кг дозада эстрадиол бензоат мускул орасига инъекция қилиб борилди.

Тажрибадаги барча гуруҳ қорақўл қўйларидан эстрадиол бензоат препаратини қўллашдан олдин ва қўлланилгандан сўнг қоннинг морфологик кўрсаткичлари умумий қабул қилинган усулларда текширилди.

Эритроцитлар ва лейкоцитлар сони Горьев санок тўрида саналди, гемоглобин микдори Сали гемометрида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тажрибаларни бошлашдан олдин тажрибадаги хайвонлар 16 кун давомида умумий кузатишлар остида бўлди. Тажрибалар бошланишида 3 кун давомида эстрадиол бензоат 5; 10 ва 50 мг/кг дозаларда мускул орасига инъекция қилинди ва белгиланган жадвал бўйича қоннинг ўрганилаётган кўрсаткичлари текшириб борилди (жадвал).

Эстрадиол бензоатни 5 мг/кг дозада (биринчи гуруҳ) уч маротаба юборилганда тажриба давомида қорақўл қўйлари қон кўрсаткичларида аҳамиятли ўзгаришлар (-1,89+5,03%), лейкоцитлар (2,59+8089%) ва гемоглобинлар микдори (-2,13+12,76%) дастлабки кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда бир хилда бўлганлиги қайд этилди.

10 мг/кг дозада уч маротаба эстрадиол бензоат мускул орасига инъекция қилинганда (иккинчи гуруҳ) қорақўл қўйларида қон кўрсаткичларининг даражаси сезиларли ўзгариш кузатилди. Дастлабки кўрсаткичга нисбатан эритроцитларнинг 1; 3; 6; 12 ва 24-соатларга ва шунингдек, тадқиқотларнинг 3-кунига келиб, яъни препаратнинг охириги марта юборилгандан кейин уч кун ўтгач 2,24 дан 7,47% гача камайди. Улар сонининг энг катта кўрсаткичдаги камайиши 1 ва 3-соатларда (мутаносиб равишда 7,47 ва 5,25%) рўй берган бўлса, кейинчалик (6-кундан бошлаб) ва тажрибаларнинг поёнида, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3,75% га ошганлигини кузатиш мумкин. Гемоглобин микдори ҳам тадқиқотларнинг бу муддатларида 2,95-10,79 гача камайди, аммо тажрибанинг охириги кунларига (20-кунда) келиб 3,92% га кўтарилганлиги қайд этилди. Гемоглобинлар микдорининг максимал

Қорақул қўйлари қонининг морфологик кўрсаткичларига эстрадиол бензоатнинг таъсири

Кон курсаткич- лари	Тажриба гурӯҳлари	Эстрадиол бензоат дозаси мг/ кг	Препарат юборил- ганга қадар кон курсаткичи	Эстрадиол бензоатни қўлланилгандан кейинги муддатларда эритроцитлар, лейкоцитлар сони ва гемоглабин микдори								
				1 соат	3 соат	6 соат	12 соат	24 соат	3 кун	6 кун	10 кун	15 кун
Эритроцит-лар сони (млн/мкл)	1 гуруҳ	5 мг/кг	7,66 ± 0,33	7,52 ± 0,36	7,63 ± 0,30	7,44 ± 0,27	7,48 ± 0,30	7,42 ± 0,30	7,24 ± 0,30	7,47 ± 0,32	7,50 ± 0,33	7,68 ± 0,33
	2 гуруҳ	10 мг/кг	7,65 ± 0,60	7,16 ± 0,38	7,30 ± 0,59	7,38 ± 0,50	7,42 ± 0,45	7,44 ± 0,42	7,50 ± 0,47	7,69 ± 0,50	7,72 ± 0,52	7,90 ± 0,42
	3 гуруҳ	50 мг/кг	7,36 ± 0,33	6,44 ± 0,38	6,42 ± 0,34	6,32 ± 0,39	6,18 ± 0,23	6,08 ± 0,25	6,24 ± 0,26	6,80 ± 0,24	7,10 ± 0,24	7,34 ± 0,24
Лейкоцитлар сони (минг/ мкл)	1 гуруҳ	5 мг/кг	8,31 ± 0,53	8,27 ± 0,25	8,29 ± 0,04	8,12 ± 0,02	8,35 ± 0,25	8,34 ± 0,02	8,44 ± 0,02	8,32 ± 0,20	8,01 ± 0,45	8,96 ± 0,05
	2 гуруҳ	10 мг/кг	8,48 ± 0,53	8,64 ± 0,22	8,74 ± 0,07	8,79 ± 0,06	8,89 ± 0,05	8,98 ± 0,06	8,70 ± 0,06	8,62 ± 0,05	8,58 ± 0,12	8,47 ± 0,13
	3 гуруҳ	50 мг/кг	8,46 ± 0,46	9,15 ± 0,11	9,34 ± 0,12	9,44 ± 0,18	9,70 ± 0,21	9,90 ± 0,19	9,65 ± 0,05	9,15 ± 0,14	8,65 ± 0,12	8,48 ± 0,05
Гемоглабин микдори (г/л)	1 гуруҳ	5 мг/кг	94,03 ± 5,78	92,01 ± 5,8	96,02 ± 5,4	97,04 ± 5,6	98,04 ± 5,4	99,06 ± 3,4	102,04 ± 4,1	104,07 ± 5,4	104,06 ± 5,4	104,02 ± 6,2
	2 гуруҳ	10 мг/кг	102,06 ± 5,46	91,02 ± 4,1	95,06 ± 2,6	96,04 ± 3,3	97,07 ± 3,1	99,05 ± 3,1	103,01 ± 2,8	104,01 ± 4,3	105,03 ± 4,3	106,02 ± 3,2
	3 гуруҳ	50 мг/кг	106,04 ± 5,78	89,03 ± 6,1	87,07 ± 6,8	86,04 ± 4,6	85,05 ± 4,9	83,06 ± 4,0	82,07 ± 3,2	90,08 ± 2,1	98,01 ± 1,7	104,05 ± 2,8

пасайиши тажрибанинг дастлабки 1; 3; ва 6 соатларида кузатилди, яъни бу миқдор шунга мос равишда 10,79; 6,87; ва 5,89 % га туғри келди.

Эстрадиол бензоатни 3 маротаба 50 мг/кг дозада қўлланилгандан кейин (учинчи гуруҳ) қонининг шакли элементлари миқдорий кўрсаткичида энг аҳамиятли ўзгаришлар кузатилди. Тажириба сўнгида қондаги эритроцитлар ҳамда гемоглабинлар миқдори сезиларли камайди, лейкоцитлар сони эса умумий натижаларга кўра бир қадар камайди. Лейкоцитлар сонининг ошиши 9,24-19,30 % (P 0,02) га тенг бўлди.

Энг кам ва ўртача дозаларда (яъни 5-10 мг/кг) ҳайвонлар кони кўрсаткичлари деярли бир хил йўналишда, лекин турли даражада ўзгарганлигини қайд этиш лозим.

Эстрадиол бензоатнинг юқори дозаларида эса (50 мг/кг) анча мустаҳкам қонунийликка эришилади: эритроцитлар сони ва гемоглабиннинг миқдорий фоишлари сезиларли камайди, лейкоцитлар сони эса аксинча ортади.

Бундан ташқари, тадқиқотлар натижасида аниқландики, сувда эримайдиган эстроген моддалар эстрадиол бензоат (А.Р.Османов, 1995) ва эстрадиол дипропионат (А.С.Сулаймонов, 2001) ларга нисбатан ҳайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичларига анча юқори ва тез таъсир кўрсатади.

Хулоса.

1. Эстрадиол бензоат кичик дозаларда (5 мг/кг) қорақул қўйлари қонининг морфологик кўрсаткичларига (эритроцит ва лейкоцитлар сони, гемоглабин миқдори) таъсири деярли сезилмайди.
2. Эстрадиол бензоат ўрта дозаларда (10 мг/кг) қорақул қўйлари қонининг морфологик кўрсаткичларига (эритроцит ва лейкоцитлар сони, гемоглабин миқдори) қисман таъсир кўрсатади.
3. Эстрадиол бензоат катта дозаларда (50 мг/кг) қорақул қўйлари қонининг морфологик кўрсаткичларига (эритроцит ва лейкоцитлар сони, гемоглабин миқдори) заҳарловчи-токсик таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сулаймонов А.С. «Новые водорастворимые маточные средства в ветеринарии» Проблемы биологии и медицины № 4 – Самарқанд, 2001 йил.
2. Холиков А.А. Янги эстерегенлар ветеринария амалиётида. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган иқтидорли талабаларнинг илмий конференцияси материаллари тўплами. – Самарқанд, 2007.
3. Фармонов Н.О. Ветеринария амалиётида янги утероген моддаларни қўллаш. // Зооветеринария журналы, 1, 2009 январь, 24-бет.
4. Эшимов Д.Э. Ҳайвонлар физиологияси фанидан амалий лаборатория машғулоти. – Тошкент, «Илм зиё», 2012.